*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 12 oktyabr № 42 (475) Sotuvda narxi erkin

## ЁВУЗЛИК БИЛАН КЕЛИШИБ БЎЛМАЙДИ

Террор. Бу сўз кеча пайдо бўлгани йўқ. Террорчилик инсоният пайдо бўлибдики, турли кўринишларда ва турли даражада ўзини намоён этиб келмоқда. Унинг мақсади барча даврларда ҳам битта бўлган: одамлар мулкига ёки жонига тажовуз қилиш, тараққиётни тўхтатиш, ҳокимлик қилиш, бир сўз билан айтганда ёвузлик! Кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ, ҳарбий база, ёлланган қўшин билан таъминланган террорчилик бутун инсониятга жиддий хавф сола бошлади. Энг ачинарлиси, террор дин ниқоби остига яширинди. Террорчилар ўзлари учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган Афғонистонни макон қилиб олди. Улар бошқа давлатларни ўзлари билан ҳисоблашишга даъват қила бошладилар. Аммо ҳеч қачон эзгулик ва ёвузлик муроса қилган эмас. Америкадаги даҳшатли террорчиликдан сўнг жаҳон ҳамжамияти анча сергак тортиб қолди. Террорчиликка қарши биргалашиб курашиш лозимлиги аён бўлди. Бу курашни Америка ҳукумати ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ҳукумати терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлган ва бундан кейин ҳам ушбу фикрида собит туради. Президентимиз халқаро миқёсдаги террорчиларга қарши кураш олиб бориш ғоясини биринчилардан бўлиб ўртага ташлаган эди. Шу боис, ушбу масъулиятли лаҳзаларда четда туришимиз мумкин эмас. Шунинг учун бир аэродромимиздан фойдаланишга рухсат берилди. Лекин давлатимизнинг бу ҳаракатини бўрттириб, турли уйдирмалар тарқатаётган сиёсатдонлар ҳам топила қолди. Уларнинг мақсади халқимиз орасида мишмишларни кучайтириш, республикамизнинг халқаро обрўсига путур етказишдан иборат, холос. Бу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш учун эса Президентимиз ўз вақтида Баёнот берди. Баёнотда айтилишича, аэродром орқали афғон халқига ва қочоқларга фақат гуманитар ёрдам юборилади ҳамда қутқарув ишлари олиб борилади. Лекин террорчилар маконини бомбардимон қилишда бизнинг заминимиздан бирорта ҳам самолёт учиб боришига рухсат берилмайди. Давлатимизнинг бу позициясини, эртанги кунимиз учун олиб бораётган сиёсатимизни барча ақл кўзи билан кўриб, англаб олиши шарт.

**У. ЙЎЛДОШЕВ**



"Қашқадарё Телеком" ШК Шаҳрисабз филиали абонент бўлимининг илғор операторлари Гулбаҳор **АБДУРАҲМОНОВА** ва Анора **РАҲМОНОВА**лар дебиторлик қарзларни ҳисоб-китоб қилмоқда.

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ** олган сурат

## ТАЛАБАЛАР ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Тошкент электротехника алоқа институтида тероризмга қарши кураш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Институт ректори С. Қосимов ушбу масала юзасидан маъруза қилди. Маърузачи жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган Афғонистондаги ҳодисалар ҳақида мулоҳаза юритди. Сўнгра институтнинг маънавият ишлари бўйича биринчи проректори Н. Мўминов Республикамиз Президенти И. Каримовнинг АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфелд билан бўлган учрашуви ва бу учрашувда имзоланган битим ҳақида талабаларга гапириб берди.

Йиғилишда талабалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг республика "Турон" ёшлар театрининг "Ватан қисмати – менинг қисматим" номли спектакли намойиш этилди.

**Ф. АСОМХЎЖАЕВ**

## "ХАБАР" СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ

Ассалому алайкум "Xabar" газетаси ходимлари! Аввало, ўзимни таништирсам. Мен Тошкент электротехника алоқа институтининг 2-курсида таҳсил оламан. Бўш вақтларимда газетангизнинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Ушбу газета билан дастлаб абитуриентлик давримда танишган эдим. Унинг саҳифаларида чоп этиладиган мақолаларнинг айнан мен танлаган касбга ҳамоҳанглиги мени қизиқтириб қолганлиги боис, мана икки йилдирки, газета менинг доимий ҳамроҳим.

Энди бевосита газета саҳифаларида бериб борилаётган мақолаларга келсак, улар мазмун жиҳатидан яхшиланиб бормоқда. Телекоммуникация соҳасидаги ютуқ ва муаммолар, тадбиқ этилаётган янгиликлар, бу борада жойларда қилинаётган ишлар мен каби талабаларнинг билим даражасини янада оширишда кўмак бўлмоқда.

"Xabar" бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бошқа газеталарга нисбатан арзонлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, истеъмолчининг моддий имкониятини ҳисобга олиш бугуннинг талабидир. Шунингдек, газетада TV дастурларининг бериб борилиши ҳам муштарийлар талабини қондирмоқда деб ўйлайман.

Чоп этилаётган ҳар бир газета ўзининг "Дам олиш" саҳифасига эга. Бу жиҳатдан ҳам "Xabar" ўз ўқувчилари олдида уялиб қолаётгани йўқ. Тўртинчи саҳифада "Бу қизиқ!", "Ажаб дунё", "Ҳикматлар" рукни остида бериб борилаётган мақолалар ва ибратли ҳикматлар ҳамда шеърлар муштарийларнинг дам олиши ва маънавий дунёсини бойитишда қўл келади. Менга айниқса "Буюклар муҳаббати" рукнида чоп этилаётган мақолалар манзур бўлмоқда.

Шу ўринда ўз таклифларимни билдирмоқчиман. "Xabar" газетасининг янада ўқишли бўлиши учун телекоммуникация соҳасидаги ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам кенгроқ ўрин берилса. Танқидий мақолаларга кўпроқ эътибор кучайтирилса. Шунингдек, соҳага дахлдор ўқув юртларидан, у ердаги талабалар ҳаётидан мақолалар уюштирилса айни муддао бўлар эди. Ана шунда "Xabar" газетаси ўқувчиларининг сони бунданда ошишига шубҳа йўқ. Тенгдошларимга эса "Xabar" газетасини доимо ўқиб боришларини тавсия қиламан.

**А. ИСОҚОВ**

## АЛОҚАЧИЛАР ПАХТАЗОРДА

Республикамизнинг бепоён далаларида пахта йиғимтерими қизғин давом этаётган бир пайтда "Самарқанд Телеком" шўъба корхонаси жамоаси ҳам пахтакорларимизга камарбаста бўлишмоқда. Улар Ғўзалкент тумани пахта далаларидан "оқ олтин"ни нест-нобуд қилмай териб олишда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда алоқачиларнинг эл-юрт хирмонига қўшган ҳиссаси 10 тоннадан ошиб кетди. Ушбу салмоқли хирмонни уюшда Тўлқин Назаров, Зилола Собирова, Камол Очилов каби алоқа ходимлари катта ҳисса қўшдилар.

Ҳиммат камарини маҳкам боғлаган ҳашарчи-алоқачилар мавсум сўнггигача пахтакорлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишга жазм этишган.

**Зебо ХУДОЁРОВА**

Обуна – 2002

## "XABAR" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз "Xabar"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Xabar" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

**Нашр кўрсаткичи:**

Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.

Ташкилотлар учун – 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

## ҚАРШИДА ИНТЕРНЕТ

Қарши шаҳри аҳолиси тезкор ҳамда энг замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиб келмоқдалар. Мутахассислар электрон қурилмаларни янада мукаммаллаштириб, интернет тармоғига уланиш борасида иш олиб бормоқдалар. Бу борада улар Германиянинг "Алкател" фирмаси билан ҳамкорлик қилишмоқда. Айни пайтда лойиҳада кўрсатилган олтита станцияни ишга тушириш ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, марказий АТСда ҳам ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Энг муҳими барча станциялар 30 километрлик трассага ётқизиладиган кабеллар орқали ўзаро боғланади.

**Ўз мухбиримиз**

## ШУ СОНГА ТЕЛЕГРАММАЛАР

"Қашқадарё почтаси" АЖ Китоб филиалининг 87 нафар ишчи-ходимлари 2002 йил учун ўзларига севимли бўлиб қолган "Хабар" газетасига бира тўла бир йилга обуна бўлишди. Ҳозирги кунда обуна ишлари қизғин давом этмоқда.

**Т.МАҲМАДИЕВ,**
**Китоб филиали Варганза алоқа бўлими бошлиғи**

"Қашқадарё почтаси" АЖ Чироқчи филиалида обуна мавсуми қизғин давом этмоқда. Филиалнинг 120 кишилик жамоаси ҳар йилги анъаналарга содиқ қолиб, ўзларининг қадрли "Хабар" газетасига 2002 йил учун юз фоиз обуна бўлишди. Обуначилар сонини янада ошириш мақсадида уюшқоқлик билан иш олиб борилмоқда.

**ЖУМАНОВ**
**филиал директори**

• Турмуш чорраҳаларида

# КЕЧИККАН УЗР

Сафар ота кутилмаганда кўрпа тўшак қилиб ётиб олди. Кечагина кариллаб юрган одам эмасми, қўлини қаерга узатса етади. Орттирган таниш-билишлари доимо хизматига шай. Аммо дарди борнинг дармони йўқ деганларидек, у кундан-кунга ўзини ёмон ҳис қилар, кўнглига ҳеч нима сиғмас эди. Турнақатор бўлиб ҳолидан хабар олгани келган яқинлари ҳам фақат тасалли беришга ярардилар, холос.

У дардга чалинди-ю кўп хаёл сурадиган бўлиб қолди. Баъзан тунлари мижжа қоқмай одамларга қилган яхшиликларини эслайди. Шундай пайтларда, хайрият дея бирдан кўнгли ёришиб кетади. Лекин ундан беҳуда озор кўрган, диллари ранжиган, ёмон гап эшитганлар ҳам йўқ эмасди. Сафар ота шуларни эслаб афсусланса-да, бироқ ўзини оқлашга асос борлигидан кўнгли таскин топарди. Бундай хатти-ҳаракатларини лавозими, қолаверса, бурчи юзасидан деб биларди. Қизиқ, илгари на меҳрибон волидаи муҳтарамасини, на ширин сўз падари бузрукворини эсларди. Шу топда отасининг насиҳатлари қулоғи тагида қайта жаранглагандек бўлди. "Болаларим, – дерди ҳар сафар отаси, – ҳеч қачон бировнинг дилини оғритманг, қасоскор бўлманг, ёлғон гапирманг, ҳалол яшашга ўрганинг".

Афсуски, ота насиҳатлари баъзан у қулоқдан кириб бошқасидан чиқиб кетарди. Ҳаммаси ҳам майли-ю, бундан анча йиллар илгари амакисининг ўғли Акмални ранжитиб қўйганини асло кечиролмасди. Ўша қилмишини унутишни қанчалик ўйламасин, кўз ўнгига қиш чилласи совуқда дилдираб турган Акмал ва унинг юпун ўғиллари келаверарди.

Ўшанда бахтсизлик юз бериб Акмалнинг уйи ёниб кул бўлди. Тўрт ўғил билан бошпанасиз қолди. Одамлар ҳам ҳамдардлик билдиришдан нарига ўтмадилар. Ўзи эса бирор жой сўрашга ботинолмади. Бор умиди Сафардан эди. Таваккал деб йўлга чиқди.

Акмал нақшинкор кўча дарвозани аста очиб, ийманибгина ичкарига мўралади. Сафар ҳовлида қор кураётган эди. Мезбон қўлидаги белкурак билан меҳмонга пешвоз чиқди-да совуққина деди:

– Бу фалокат сенга қаёқдан қараб турган экан-а?! Самий главний омон қолибсизлар. Жон омон бўлса уй ҳам топилади. Так что шукр қилгин.

– Оллоҳга шукр, Сафар ака. Муҳими – жонимиз омон. Лекин уй масаласида бироз... – чайналди Акмал.

– Ҳа, қишда кенг жойлар ҳам тор бўлиб кетаркан. Ахир жигармиз. Ўзинг биласан, келди-кетди аримайди, ошна-оғайнилар кўп. Ҳарқалай бир иложини топармиз. Бошқа жойдан суриштириб резултатини сенга етказаман, Акмал.

Албатта, амакисининг бу "таклифи"дан Акмал қаноатланмади. У ичидан зил кетганича пушаймон еб, қандай кирган бўлса шундай бош эгиб оҳиста хонадонни тарк этди.

"Дардим бор, дардкашим йўқ, деганлари шу экан-да" Акмалнинг хаёлидан беихтиёр шу сўзлар кечди.

... Бемор ётган хона эшиги оҳиста очилиб, ичкарига хотини Салтанат кириб келди. У қўлидаги пахта гулли чойнакни аста қўяркан, ачиниш билан эрига термулди. Мадори тобора қуриб бораётгани кўзларидан, ранг-рўйидан яққол сезилиб турарди. Салтанат эрининг ёнига келиб омонатгина ўтирди. Қўлини кафтларига олди, пешонасини аста силади. У шундагина дардли кўзларини очиб, Салтанатни кўрди.

– Сенмисан, ойиси, – синиқ овозда базўр деди.

– Ҳа, менман дадаси, менман. Кечагидан анча яхши кўринасиз, – эрининг кўнглини кўтарди Салтанат.

– Ҳеч ким келмадими? – илтижоли кўзлари билан хотинига боқди.

– Ухлаб ётганингизда Халил дўстингиз, яна акангизнинг ўғли Акмал ўғиллари билан келишувди.

– Акмал дейсанми? – бу таниш исмни эшитган Сафар отанинг безовталиги ошди.

– Ҳа, акангизнинг ўғли Акмални айтяпман.

– Уйғотсанг бўларди-ю, чакки қилибсан-да ойиси.

– Мен ҳам айтдим: Узоқдан келгансизлар, кўриб кетинглар, дедим. Безовта қилмайлик, яна келамиз дейишди-да...

Сафар ота бу хушхабардан баттар эзила бошлади. Қаҳратон қишдаги ўша воқеани Салтанатга айтмаган эди. Агар хотини эшитганда эди, ҳозиргидай ичидан зил кетиб виждони қийналмаган бўлармиди.

Бўлар иш бўлиб, бўёғи синган эди. Вақт ўтган бўлса-да, ич-этини кемираётган ўша кун воқеасини оқизмай-томизмай Салтанатга айтиб, кўнглини бўшатиб олди. Ўз навбатида жуфти ҳалоли ҳам бу ҳақда ортиқча гапирмади. Дашном берадиган пайтдан ўтган эди.

Ҳафта ўтар-ўтмас Акмал яна амакисини кўргани келди. Бу пайтга келиб Сафар отанинг соғлиги анча ёмонлашган бўлиб, тилдан қолганди. Улар бир-бирларига узоқ, унсиз термулишди. Фақат дил ва кўзлар сўзлашди. Сафар ота ҳаммаси учун узр сўрамоқчи бўларди-ю, имо-ишора билан буни англатолмасди. Жонига ҳар галгидек хотини оро кирди. У ўша нодонлиги, каландимоғлиги учун эри номидан узр сўради. Акмал амакисининг озғин қўлларини силар экан, беихтиёр мижжаларига ёш қуйилди. У кечирганди. Сафар отанинг сўлғин юзига қон югургандек бўлди. "Видо чоғи келган пайтда гуноҳсиз кетиш қандай яхши" дер эди унинг қалби.

**Муроджон БОТИРОВ**



**Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театри биноси.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

## ҲИКМАТЛАР

Яхши дўст — туганмас хазина.

***

Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ,

***

Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.

***

Дўстдан кечгандан кўра сўздан кечган яхши.

***

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

***

Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир, шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир.

***

Оилавий ҳаёт ўзаро муҳаббат билан боғланган бўлса, катта бахт келтириши мумкин.

***

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

## ТАОМ НИМА БИЛАН МАЗАЛИ?

- Помидор ёки томатни ёғда қовурманг. У куйиб, овқатингиз тахир бўлиб қолади. Яхшиси, овқатга сув қуйгандан кейин қўшиб юборинг.
- Арчилган ва тўғралган сабзавотлар сувда узоқ туриб қолса, улардаги дармондориларнинг кучи анча камаяди.
- Сўлиб қолган сабзавотларни 1 соат сувга солиб қўйсангиз, таранглашиб асл ҳолига келади.
- Шакаробни олдин тайёрлаб қўйишга ошиқманг. Таом дастурхонга тортилишидан олдин тайёрлаб келсангиз, у сув ичиб қолмайди.

• Ажаб дунё

## СУВГА ЧЎККАН ҚЎЛЁЗМАЛАР

Шарқнинг буюк шоири Умар Хайём ва машҳур "Титаник" кемасининг ўзаро боғлиқлиги борми? Ҳа, дейишмоқда мутахассислар.

Маълум бўлишича, 1912 йилнинг 14 апрелидан 15 апрелига ўтар кечаси шоирнинг XX асрга қадар сақланиб қолган сўнгги ва ноёб қўлёзмалари "Титаник" билан бирга сув қаърига йўл олган. Қандай қилиб? Бу борада олимларнинг олиб борган изланиш натижаларига кўра, Умар Хайём нафақат шоир, балки кучли математик, астроном, файласуф ҳам бўлган. Кемадаги қўлёзмалар эса шоирнинг айнан шу соҳаларга оид асарлари бўлиб, номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди.

## ХИЁНАТКОР СОЧЛАР

Бундан буён спиртли ичимлик ёки наркотик модда қабул қилган-қилмаганингизни сочларингиздан ҳам аниқлаб олиш мумкин бўлади. АҚШ мутахассислари ана шундай усулни ўйлаб топишди. Улар олиб борган кузатишларга қараганда, алкогол ҳамда наркотик асоратлари соч таркибида узоқ вақтгача сақланиб қоларкан. Сочнинг ўсиш даражасига қараб эса, ҳатто сизнинг спиртли ичимлик ёхуд наркотик истеъмол қилган вақтингиз, уларнинг миқдорини ҳам аниқлаб олиш мушкул эмас, дейишмоқда америкаликлар.

«Ўзбектелеком» АК жамоаси «Қорақалпоқ Телеком» АЖ бош директор ўринбосари Р. Раимовага онаси **Александра РАИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Раимовага онаси **Александра РАИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Қорақалпоқ Телеком" АЖ жамоаси корхонанинг бош директор ўринбосари Р. Раимова ва Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Раимоваларга онаси **Александра РАИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

**МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

**Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Тахририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2939.
4486 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6